2018 йил 10 январь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 5 (13.602)

Баҳоси эркин нархда

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 9 январь куни ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, тегишли вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Бугун мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва кундалик ҳаётга изчил жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили рақамли телевидение қамрови 88 фоиздан 100 фоизга етказилди. Мобиль алоқадан фойдаланувчилар сони 7 фоиз ошиб, 22,8 миллионга етди. 2017 йилда ахборот технологиялари соҳасида 7,7 триллион сўмлик ёки 2016 йилдагига нисбатан 26 фоиз кўп хизмат кўрсатилди. Инвестиция дастури доирасида 260 миллион доллар ўзлаштирилди.

Йиғилишда эришилган натижалар алоҳида қайд этилар экан, 2018 йилда ва яқин истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар ҳақида ҳам сўз борди.

Президентимиз ахборот технологиялари соҳасида ҳали қилинадиган ишлар кўплиги, эришилган натижалар бошқа давлатларга қараганда анча паст кўрсаткичда эканини таъкидлади.

–Мисол учун, ахборот технологиялари соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши Жанубий Кореяда 9 фоиз, Японияда 5,5 фоиз, Хитой ва Ҳиндистонда 4,7 фоиз, Ўзбекистонда атиги 2,2 фоизни ташкил этади. Буни ахборот-коммуникация ривожланиш индекси рейтингидаги 176 мамлакат орасида Ўзбекистон 95-ўринда экани ҳам исботлаб турибди.

Йиғилишда интернет тармоғига уланиш қамровини кенгайтириш ва тезлигини ошириш, дастурий таъминот, телекоммуникация соҳасида етакчи хорижий компаниялар билан алоқа ўрнатиш, "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Интернетдан 20 миллион аҳоли фойдаланади, деб ҳисобот бергансизлар. Бироқ, миллий интернет орқали таклиф этиладиган хизматлар доираси жуда чеклангани сабабли аҳолининг аксарият қисми интернетдан фақат "Телеграм"да ёзишма учун фойдаланади холос, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда МДҲ давлатлари бўйича интернетнинг ўртача тезлиги бизникидан 10 марта юқорилиги қайд этилди. Алоқа операторлари чекка ҳудудларда, автомобиль ва темир йўлларга яқин ҳудудларда телекоммуникацияларни кенгайтиришга сармоя киритмаётгани таъкидланди.

Мутасаддиларга интернет нархини кескин арзонлаштириш, тезлигини камида 4 баробар ошириш, 2020 йилгача эса МДҲ давлатлари даражасига етказиш чора-тадбирларини кўриш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Бугун "Хавфсиз шаҳар" ягона комплексини яратиш дастурига мувофиқ лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Тошкент шаҳрида 16 мингдан ортиқ видеокамера ўрнатиш, Маълумотларни қайта ишлаш маркази ва Ситуация марказларини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз ҳудуд", "112" тизими, олий таълим муассасаларига имтиҳон топшириш жараёнларига видеокузатув ҳамда йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини рўйхатга олиш тизимларини жорий этиш кўзда тутилган.

Йиғилишда "Хавфсиз ҳудуд" ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги фармонига асосан ташкил этилган "Мирзо Улуғбек инновация маркази"да 140 дан ортиқ корхонага резидент мақоми берилиб, уларда айни вақтда 1000 дан ортиқ дастурчи мутахассис ишламоқда. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида энг замонавий технологиялар ва таълим услублари кенг жорий этилмоқда.

2018 йилда халқаро тажрибани, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, "2018-2021 йилларда "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш стратегияси"ни ишлаб чиқиш, "Мирзо Улуғбек инновация маркази" резидентлари томонидан кўрсатиладиган ишлар ва хизматлар ҳажмини камида 2 баробар ҳамда экспорт ҳажмини 1,8 баробар ошириш, резидентлар учун чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилиш ва янги бозорларга чиқишда кўмаклашиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини уч йил ичида жаҳондаги энг обрўли 1000 университет сафига киритишни таъминлаш, соҳанинг етакчи университет ва компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг хорижда стажировкада бўлиш ва малака оширишини кенг ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва бунинг учун миллий кадрлар тайёрлаш ишлари ҳали талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Мутасаддиларга дунёнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги йирик корпорациялари билан рақобатлаша оладиган миллий оператор ва дастурчиларимиз фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" компаниясининг иш самарадорлигини ошириш, телекоммуникация тармоқлари орқали халқаро телефон сўзлашувини ноқонуний амалга ошираётган субъектларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш, халқаро тажриба асосида почта тизимини тубдан қайта кўриб чиқиб янада ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Пойтахтимизда маданият ва санъат соҳаларидаги "Эҳтиром" мукофоти соҳибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***



## "ЭҲТИРОМ" МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Унга санъатнинг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимиз, режиссёр ва хонандалар, бастакорлар, мусиқа ижрочилари, музей ва театр мутасаддилари, олий таълим масканларининг профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз зиёлилари билан учрашуви ҳамда Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида санъатнинг барча йўналишлари, адабиёт, медиа соҳага эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга оид амалий чора-тадбирлар билан бирга ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг диди ва тафаккурини тўғри шакллантиришда ижодкорлар зиммасидаги масъулиятни янада кучайтириш борасида долзарб вазифалар белгиланганини таъкидлади. Айни пайтда соҳани янада ривожлантиришга оид истиқболдаги амалий чора-тадбирлар режалаштириб олинди.

Юртимизда фаол ва самарали ижод қилаётган санъат ва маданият вакиллари ҳамда ўз ижодий тажрибаси билан ёшларга ибрат бўлаётган устоз санъаткорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан "Эҳтиром" мукофоти таъсис этилган. Бундан кўзланган яна бир мақсад – меҳнатлари эътироф этилиб, юксак қадрланган устозларни ёшларга ибрат сифатида кўрсатиш, навқирон ижодкорларда миллий маданиятимиз ва санъатимизга янада кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, ҳавас уйғотиш, шу орқали уларни ижодий парвозларга даъват этишдан иборатдир.

"Эҳтиром" мукофоти маданият ва санъат соҳаларининг бир неча йўналишларини қамраб олган бўлиб, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларга уйғундир.

Жами ўттиздан ортиқ номинациядан иборат бўлган мазкур мукофот театр, оммавий томошалар, эстрада, анъанавий, опера хонандалиги, мусиқа ижрочилиги ва рақс санъати, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод, журналистика ва телевидение каби соҳаларни қамраб олган. Жумладан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг устоз санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева "Саҳнамиз фариштаси" номинациясида, Ўзбекистон халқ артисти, "Дийдор" театр-студияси бадиий раҳбари Баҳодир Йўлдошев "Йил режиссёри", моҳир балетмейстер Гавҳар Матёқубова "Йилнинг фаол балетмейстери", Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Илҳом Жабборов "Тасвирий санъат жонкуяри" каби номинацияларда ғолиб деб топилди. Айни пайтда санъат оламида мухлислар эътиборини қозонаётган бадиий жамоалар, ёш ижодкорлар ҳам мазкур мукофотга муносиб топилгани эътиборга моликдир. Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри "Йилнинг фаол оркестри" номинациясида, "Навбаҳор" ашула ва рақс ансамбли артисти Дилором Мадраҳимова "Йилнинг фаол раққосаси" номинацияси соҳиби бўлган.

– Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатимиз, айниқса, мақом ривожи йўлида кўрсатилаётган амалий эътибор мазкур соҳада ижод қилаётган хонанда ва созандалар, мусиқашунослар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, – дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси фахрий профессори, Ўзбекистон халқ артисти, "Йилнинг фаол анъанавий қўшиқ ижрочиси" номинацияси ғолиби Муножат Йўлчиева. – Бундай улкан эътибор янада жўшиб, завқ билан ижод қилишга ундайди.

Тадбирда санъат ва маданият соҳасида самарали ва фидокорона меҳнат қилаётган ижодкорлар "Эҳтиром" мукофотининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Санъат усталари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА**

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифаларни парламент депутатлари изчил ижро этишга киришган.***

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва партия фракцияси йиғилишларида бу борада амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг барча даражадаги депутатлик гуруҳларидан алоҳида фаоллик талаб этилиши таъкидланди.

Бунда аввало соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, хусусан, партия ташаббуси билан кўп йиллик тажриба ва изланишлар асосида ишлаб чиқилаётган "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда такомилига етказиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш белгилаб олинди.

Йиғилишда адвокатларнинг консалтинг хизмати, яъни маслаҳат бериш ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини кенгайтиришга қаратилган "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди.

Депутатлар партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш, мактабгача таълим, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимда аттестация ва аккредитация қилиш жараёнларида енгилликлар яратиш, соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилди. Олиб борилаётган ишлар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Давлат тест марказига парламент сўровини юбориш масаласи муҳокама этилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

***Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашида Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мулоқотда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимизда мудофаа тизимининг ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ва офицерларнинг маънавий ва руҳий тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор қаратилиб, Қуролли Кучларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш жараёни самарали кечаётгани таъкидланди.

Ўтган давр мобайнида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Хусусан, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Миллий гвардия барпо этилди, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Мудофаа доктринаси янгидан қабул қилинмоқда ҳамда армиямиз янги қурол-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминланаётир.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг фарзандлари сифатли ва замонавий билим олишлари учун барча шарт-шароитни яратиш, соҳа фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилнинг 14 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ўзаро Англашув меморандуми имзоланган эди. Мазкур меморандумга кўра, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич тузилмалари иш бошлади. Иттифоқнинг ҳудудий кенгашлари ҳузурида "Жасорат" клуби ташкил этилди.

Ҳарбий лицейларга "Темурбеклар мактаби" деб ном берилди, "Мард ўғлон" давлат мукофоти таъсис этилди. Бу имкониятларнинг барчаси ёшларимизни буюк аждодларимизга муносиб бўлишга, уларда ватанпарварлик, қатъиятлилик, жасурлик фазилатларини тарбиялашга хизмат қилади.

**Гулноза БОБОЕВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Чирчиқ гарнизони офицерлар саройида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Миллий армиямиз – мардлик ва жасорат мактаби" деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда офицерлар, курсантлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Хоразм ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида Наманган ва Хоразм вилоятларида ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар, уларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари иштирокида "Менинг дўстим – Ватан ҳимоячиси" деб номланган видеомулоқот ўтказилди.**

**• Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қашқадарё вилояти кенгаши бошқарувининг 2017 йил фаолияти якунлари ва 2018 йилдаги устувор вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• Умумий узунлиги 325 километрдан иборат Қарши – Термиз темир йўл линиясида электрлаштириш ишлари якунланиб, илк йўловчи поезди қатнай бошлади. Ушбу лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши учун жами 327,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги бебаҳо тарихий ёдгорлик ҳисобланмиш, жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири бўлган Тож Маҳал иншоотини келажакда емирилиш хавфидан сақлаш мақсадида бу ерга маҳаллий сайёҳларнинг келишлари чекланди – уларнинг сони бир кунда 40 минг нафардан ошмаслиги белгилаб қўйилди.**

**• Мексика пойтахти Мехико шаҳридаги халқаро аэропортда қиймати бир неча миллион долларлик катта туркумдаги бриллиантларни божхона кўригидан яширинча олиб ўтишга уринган Испания фуқароси қўлга олинди. Шу тариқа қимматбаҳо тошларни контрабанда йўли билан Колумбияга олиб чиқиб, мўмай даромад ишлашга уринган жиноятчининг фаолиятига чек қўйилди.**

**• АҚШнинг Массачусетс технология институти олимлари қоронғида ўзидан ёруғлик таратувчи ўсимлик навини яратишди. Уни ҳосил қилиш учун карам, салат барги ва исмалоқ таркибига люцеферазани ферменти киритилган. Олимлар дастлаб ўсимлик 45 дақиқа ёруғланиб туришига эришган. Кейинроқ ўсимлик 3 соат ёруғлик таратишига муваффақ бўлинган. У таратган ёруғликни диод лампасиникига қиёслаш мумкин. Олимлар бундай ўсимликлар келгусида бутун бир хона ёки кўчаларни ёритишига умид қилмоқда.**

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

***Ҳадемай Бобурмирзо ҳарбий хизматдан қайтади. Наргиза опа эса тўйга ҳозирликни бошлаб юборган. Ахир, ўғли тенгилларининг кўплари аллақачон оилали бўлган.***

# АСКАР ОНАСИ МАКТУБ ОЛДИ

Қўни-қўшнилар айвонда, қиш қуёшининг илиқ тафтидан баҳра олиб, бўлажак келин учун кўрпа қавишарди. Шу топда эшик қўнғироғи чалиниб, почта ходими кўриниш берди. У армиядан бир эмас, иккита хат олиб келганди.

Наргиза опа аввал катта конвертдаги хатни ҳаяжон билан очдию, ўқишга журъати етмай, қўшни аёлга узатди: "Ўқинг!". Хатда шундай сўзлар битилганди:

"Ҳурматли Бахтиёр ака ва Наргиза опа! Сизга шуни мамнуният билан маълум қиламизки, ўғлингиз Бобурмирзо Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини ҳимоя қилишдек ўз конституцион бурчини шараф билан ўтаб келмоқда. У ҳарбий хизмати давомида жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришиб, ўз сафдошларига ўрнак бўлмоқда. Ҳурматли Бахтиёр ака ва Наргиза опа! Сизларга эл-юрт хизматига муносиб ўғилни тарбиялаб, вояга етказганларингиз учун миннатдорлик билдирамиз...".

Қалбида фахр ва ҳаяжон туйған Наргиза опанинг кўзларида севинч ёшлари ярқирарди. У энди қўшни хотин-қизларнинг ташаккурномани бири олиб, бири қўйишига парво қилмас, бугунги қувончга сабаб бўлган ўша кунни эсларди. Бу воқеа бундан бир ярим йил бурун, куз оқшомларидан бирида рўй берган эди...

Зангиота зиёратгоҳи "Сортепа" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Бердиевлар хонадони томидан кафтдек кўриниб туради. Шу боис Бобурмирзо спорт машғулотларида ушланиб қолганида ота том устида, ўғлининг йўлига кўз тикади. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Бироздан сўнг кўча муюлишида шарпа кўринди. Бахтиёр ака унинг одимлашидан фарзандини таниди.

"Ўғлинг қайтяпти, кутиб ол". Бахтиёр аканинг овозидан хотиржамлиги сезилиб турарди. Бироқ муштипар онанинг кўнгли безовта. Гўё унинг қалби ота кўрмаган ниманидир кўргандек, ҳис этаётгандек эди.

Кўча эшиги очилиб, Бобурмирзо кириб келганда онаизор уни афтодаҳол кўрди. Юраги безовта бўлганича бор экан – юз-кўзидан муштлашганлиги сезилиб турарди. Аммо қаерда, нима сабабдан, ким билан?... Ҳар сафар бериладиган саволлар бу дафъа жавобсиз қолмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳовлига кириб келган маҳалла посбони Олимжон Рихсиев воқеага ойдинлик киритди: Бобурмирзо муюлишдаги дўконда жанжал чиқарган эди.

Бобурмирзо табиатан вазмин, мушоҳадали йигит эди. Спорт билан мунтазам шуғулланиб, жисмонан чиниққан бўлса-да, муштумзўрлик унга ёт эди. У ўқишни олий таълимда давом эттириб, оиласи, маҳалласи, Ватанига нафи тегадиган инсон бўлиш истагида эди. Бироқ имтиҳонларда етарли балл жамғара олмагани боис кейинги вақтларда жиззаки бўлиб қолди.

Шундай кунларнинг бирида туман мудофаа ишлари бўлимидан чақирув қоғози келди. Ҳарбий хизмат йигитларнинг иродасини тоблаши, жисмонан ва руҳан чиниқтириши, уларда мардлик, жасурлик, ватанпарварлик фазилатларини мустаҳкамлашини яхши билган Бахтиёр ака ўғлига "оқ йўл" тилади.

Аммо Наргиза опа бироз иккиланди. Кўз олдида униб-ўсган ўғлини узоққа юборишга кўнмади.

Одатда оналар фарзандининг жисму жони учун куюниб, уларнинг мустақил бўлишларига монелик қилишади. Бу билан гўё ўзлари уларни асраган бўлишади. Аслида эса бундай чекловлар ҳаёт остонасида турган ёшларнинг камол топишига тўсқинлик қилади. Ҳаётни англаш, қийинчиликларга бардошли бўлишларига халал беради.

Бахтиёр ака Наргиза опага қарорининг хато эканини обдон тушунтирди. Ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир ўғлоннинг йигитлик бурчи эканини айтди. Ниҳоят Наргиза опа ўғлининг камолоти йўлида тўғри қарор қабул қилиш зарурлигини тушуниб, Бобурмирзонинг ҳарбий хизматга жўнашига розилик берди...

Наргиза опа шулар ҳақида ўйларкан, беихтиёр унутилган иккинчи хат ёдига тушди. Буниси ўғлидан экан. Аёлларнинг қистови билан уни баланд овозда ўзи ўқиди:

"Ассалому алайкум, орзулари рўёбини менда кўраётган, қадрли отам, йўлларимга интизор, тунлари бедор онам. Ўғлингиз сиз билдирган ишончга муносиб бўлиш йўлида хизмат қилмоқда. Бир вақтлар сизнинг қалбингиз ва кўча тинчини бузган Бобурмирзойингиз бугун хатосини тушуниб етди. Ҳарбий хизмат мен учун нафақат жисмоний чиниқиш, балки ҳаёт мактаби вазифасини ҳам ўтаётир. Ҳақ-ҳуқуқимни англаш баробарида, бурч ва масъулиятни теран англашимда, Ватан олдидаги масъулиятни ҳис этишимда муҳим омил бўлмоқда. Ҳар тонг уйғониб хизматга киришар эканман, жонажон маҳаллам, сиз – ота-онам, яқинларим, Ватанимни ўйлаб, кучимга куч қўшилади. Қайсидир ҳовлида оналар бешик тебратаётгани, мурғак қалблар эса осуда ором олаётгани ва бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан ғурурланаман. Шунинг учун зиммамдаги бурчимни шараф билан адо этишга, ҳар сония ҳушёрликни қўлдан бой бермасликка интиламан. Тез орада бағрингизга қайтаман. Сизларни соғиниб қолувчи ўғлингиз Бобурмирзо!"

Айвонда туриб, аёли тилидан айтилаётган дилбандининг сўзларини эшитган Бахтиёр аканинг кўзларида ёш қалқиди. Бу севинч ёшлари, фарзандининг ютуқлари ва камолидан мамнун отанинг кўз ёшлари эди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**

# МЕНИНГ АРМИЯМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

***Ватан – бу ҳар бир инсон учун энг мўътабар, қадрли гўша. Нафақат Ватандан, балки уйингиздан 2-3 кунгина йироқлашсангиз, уни соғиниб қоласиз. Ана шу муқаддас гўшани кўз қорачиғидек асраш, сарҳадларини ҳимоя қилиш шу юртда яшайдиган ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчидир.***

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги муносабати билан жойларда "Миллий армиямиз ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви ташаббуси билан "Менинг армиям – менинг фахрим" мавзусида ташкил этилди. Тадбир туман мудофаа ишлари бўлими, "Кўкча Оқтепа" МФЙ, "Нуроний" жамоатчилик маркази ҳамда таълим муассасаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирда сўз олганлар Ватан ҳимоячиси ҳисобланган ёшларимизга давлатимиз томонидан берилаётган имкониятлар, уларга бўлган эътибор, ишонч ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Ёшлар мард, жасур бўлиш билан бирга огоҳ, ҳушёр бўлишлари, бахтли келажак учун қунт билан билим олиб, касб-ҳунар эгаллашлари лозимлигини, Ўзбекистон деб аталмиш юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун куч-қудрат ва интеллектуал салоҳият ғоят зарур эканлигини уқтирдилар.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мақсад Юнусова, Ҳотамжон Йўлдошевлар томонидан ижро этилган дилбар куй-қўшиқлар тадбирга янада жозиба бахш этди.

**Гулчеҳра КАРИМОВА**




# ҲАРБИЙ МУСИҚАЧИЛАР КОНЦЕРТИ

***Президентимизнинг 2017 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида турли байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Улардан бири Янги йил тантаналарига тўғри келди. Ҳарбий мусиқачилар байрам арчаси атрофида йиғилган жажжи томошабинларга концерт дастури тақдим этди.***

Бахтиёр Саиджонов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестри пойтахтимиздаги "Наврўз" боғида концерт дастури тақдим этди. Юксак маҳорат билан ижро этилган ҳарбий куй-қўшиқлар, жумладан, оркестр карнайчиси Инар Асфандиёров ижроси ёш томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Хусусан, Ўткир Муҳиддиновнинг кларнетда ва Александр Шахуновнинг басда ижро этган куйлари барчага манзур бўлди.

Шундан сўнг Қуролли Кучларнинг Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари миллий қўшиқлар ижро этди, жўшқин рақслар билан томошабинларга хуш кайфият улашди. Айниқса, Шерзод Имомбердиев ижросидаги "Жон Ватан" ва Ботир Ҳожиев ижросидаги "Армиям" қўшиқларини томошабинлар қарсаклар билан олқишлади.

Ҳарбий мусиқачиларнинг мазкур концерти ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга, уларнинг Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбга қизиқишини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Аблай КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири**




***Маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одат, анъаналар шаклланган маскан ҳисобланган. Маҳалла идораси мустақиллик йилларида ноёб ижтимоий тузилма сифатида шаклланиб, "Маҳалла – халқ виждони" деган юксак таърифга эга бўлди.***

# ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН – АЗИЗ МАҲАЛЛАМ

Мамлакатимизда ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт билан шуғулланиши, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остида ўтказилаётган "Маҳалла – менинг тақдиримда" кўрик-танлови ҳам навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Пойтахтимиздаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан мазкур танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ташкил этилди. Унда танловнинг туман босқичида сараланган 11 жамоа 3 та шарт асосида ўзаро беллашди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўрик-танлов уч босқичли тизимда ўтказилиб, унда умумтаълим мактабларининг 9-синфи ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Танловнинг биринчи шартида иштирокчилар ўз маҳалласи ҳақида, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида маҳалланинг ўрни, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигининг аҳамияти тўғрисидаги тақдимотларни слайдлар асосида, ижодий ёндашган ҳолда намойиш этишди. Иккинчи шартда маҳалла фаолияти, ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги механизмини кучайтириш масалалари, соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва маънавиятга оид саволларга жавоб қайтарди. Учинчи шартда эса "Маҳалла – менинг тақдиримда" мавзуида иншолар ёзишди.

– Юртимизда истиқлол йилларида улғаяётган фарзандлар чиндан-да бахтли, саодатлидир, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси Муҳаммад Исмоил. – Улар яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлашмоқда. Бундай кўрик-танловни ўтказишдан бош мақсад ёшларни ўзлари туғилиб ўсган маҳаллаларига муҳаббат уйғотишдан иборат. Муҳаббат қачон пайдо бўлади, қачонки улар, ўзлари туғилиб ўсган, вояга етган муқаддас тупроқ нечоғли табаррук эканлигини билишса. Бу тадбир қарийб бир йил давом этган бўлса, унда икки мингдан ортиқ маҳаллаларнинг ёшлари иштирок этишди. Улар интилишди, изланишди, ўз маҳаллаларининг тарихини билишди, кекса оқсоқоллар, олимлар, зиёлилар билан ҳамсуҳбат бўлишди, тарихий обидаларни бориб кўришди, уларнинг қачон бунёд бўлганини, тарихий номларнинг келиб чиқиши, сабабларини ўрганишди. Пойтахтимиз жуда қадимий шаҳар. Унинг ҳар бир қаричини ўқиб-ўрганиш бизнинг бош вазифамиздир. Кўрик-танлов ўйлайманки, ёшларимизда азим Тошкентга бўлган муҳаббатнинг янада ортишига, балки бутун Ўзбекистонга чексиз муҳаббат, фахру ифтихор уйғотган бўлса ажаб эмас.

Танлов натижаларига кўра, Олмазор туманидаги "Умид" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Умидимиз юлдузлари" жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Яшнобод туманидаги "Кўксарой" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Истиқлол" жамоасига, учинчи ўрин эса Юнусобод туманидаги Увайсий номли маҳалла фуқаролар йиғинининг "Келажак бунёдкори" жамоасига насиб этди.

– Бугунги танлов тенгдошларимиз билан танишиш, билимларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиш билан бирга, чинакам дўстлик байрамига айланди, – дейди Олмазор туманидаги "Умид" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Умидимиз юлдузлари" жамоаси сардори Шоҳида Ҳакимова. – Мазкур кўрик-танлов нафақат билим ва маҳорат имтиҳони, балки ёшларнинг дўстлик байрамига, иқтидор ва қобилиятларини намоён этишларида янги имконият, эркин фикр ва ўзаро мулоқот майдонига айланди. Жамоамиз аъзолари Фарангиз Норқулова, Умиджон Мироджонов, Собирхўжа Эргашхўжаевлар билан ҳамжиҳатликда кўрилган тайёргарликлар ўз натижасини бериб, биринчи ўринни эгаллаганимиздан беҳад шодмиз. Бундай тадбирлар бизни келажакка шукроналик ва эртанги кунга ишонч туйғуларини янада теран ҳис этишга ундайди.

Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди. Тадбир давомида таниқли ёш санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамона шукуҳ бағишлади.

Дарҳақиқат, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш учун, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни янада кучайтириш ёшларимизнинг миллий ўзлигини, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Тимур Камилов олган сурат**

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА 2018 ЙИЛ УЧУН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги"ги СҚ-241-III-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент шаҳри бўйича 2018 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ҳамда туман ҳокимликларига 2018 йил маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларини солиқ тўловчилар эътиборига етказилиши ва ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг "Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича" доимий комиссияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари**
**Тошкент шаҳар Кенгаши раиси**
**Р. Усманов**

*2017 йил 30 декабрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси йиғилишида Президентимиз Мурожаатномасида баён этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия фракциясининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани айтилди. Мазкур режа 6 бўлим, 20 банддан иборат бўлиб, унда 50 га яқин долзарб ва муҳим масалани ҳал этиш бўйича механизмлар белгиланган. Ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш, "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, туризмни ривожлантириш юзасидан норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва бошқа масалалар шулар жумласидан.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган таклифга асосан 4 январь куни палатанинг ялпи мажлисида Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасини тузиш бўйича қарор қабул қилингани ҳам депутатлар зиммасига жиддий вазифалар ва масъулият юкланганидан далолатдир.

Қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги ишлари сифатини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилгани парламентнинг фаоллиги, роли ва таъсири ошишига, халқчил, ҳаётий қонунлар қабул қилишга, пировардида мамлакатимизнинг жадал тараққий этишига хизмат қилади.

Мурожаатномада давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш, кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш вазифаси қўйилди. Бу механизмнинг ҳар томонлама шаффоф ва самарали ишлаши учун маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада уларнинг роли, ваколатлари оширилди. Сиёсий партияларнинг маҳаллий ҳокимият идораларини шакллантириш борасидаги ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилади.

Тадбир иштирокчилари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳлари ўз вазифа-ваколатига жиддий масъулият билан ёндашиши, аҳоли мурожаатларига катта эътибор билан муносабатда бўлиши ва фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши, аниқ таклифлар, қарорлар қабул қилишда фаоллик кўрсатиши лозимлигига эътибор қаратди.

**ЎзА**

# ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ УЧУН БИЗ – НУРОНИЙЛАР ҲАМ МАСЪУЛМИЗ!

***Биз, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи нуронийлар муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаларида қайд этилганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини, бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари юртдошларимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топаётганлигини эътироф этамиз.***

"... Минг шукрки, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди. Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик", дейилади Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимиз буюк келажак сари шахдам қадам ташлаб бормоқда.

Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганлиги ва "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ" деган ғоя асосида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигининг гувоҳимиз.

Олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришга биз кекса авлод вакиллари ҳам масъул эканлигимизни англаган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг нуронийларга бўлган ҳурмат ва эътиборлари ҳамда юксак ишончлари учун ўз миннатдорчилигимизни билдириб, мамлакатимиз тараққиётига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Муҳтарам Президентимиз ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, оилаларда тинчлик-тотувликни таъминлашда нуронийларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаб, бизларга бу масалада кексалар ва нуронийларни жалб этиш ва улар иштирокида тарғибот ишларини олиб бориш вазифаларини қўйганлар.

Шундан келиб чиқиб, "Нуроний" жамғармасининг туманлардаги ва маҳаллалардаги жамоатчилик гуруҳлари оилаларни ўрганиш, улардаги муаммоларни аниқлаш, ёшларнинг тарбиясига эътибор қаратиш ишларини амалга оширмоқдалар.

Мамлакатимиз тақдирига ҳар бир меҳнат жамоаси, оила, маҳалла ва фуқароларимиз масъуллигини таъкидлаган ҳолда, биз ўзимизнинг оталарча бўлган насиҳатларимизни шаҳримиз аҳлига билдирамиз. Агар ҳаммамиз бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, барча ўйлаган мақсадимизга эришамиз.

### Давлат ва нодавлат ташкилотларининг мутасадди раҳбарлари!

Жамоангизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимнинг ахлоқий-маънавий баркамоллигини шакллантириш, давлатимиз томонидан қўйилаётган талаб, вазифаларни сидқидилдан ижро этиш, меҳнат ва жамоат интизомларига қатъий риоя қилиш, ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиш, оилаларида тинчлик-тотувлик, барқарорликни таъминлаш, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор бериш, ёшларнинг бўш вақтларини беҳуда ўтказмасликлари учун назоратни янада кучайтиришингизни тавсия этамиз. Маҳалла тарбиясига эътибор қаратиш, ўз фуқаролари орасида ким қайси лавозимда ишлайди, унинг хулқи қандай эканлиги, оиласи ва фарзандларининг ахлоқини яхши билади ва баҳо беради. Шундан келиб чиқиб, маҳаллада ўзингизнинг яхши фазилатларингизни намоён этинг.

Тўй ва маъракалар ўтказганингизда дабдабабозликка берилманг, ён-атрофингизга қаранг, манманлик қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Асосийси, ёшларнинг бахти эмасми?! Сизнинг оилангиз энг намунали бўлишига тилакдошмиз.

### Ўқитувчи, мураббийлар!

Зиммангизга юклатилган шарафли вазифа – баркамол авлодни тарбиялаш! Ёшларимизнинг келажак ворислари бўлишлари учун бутун куч-ғайратингизни аямай сарфлашингизга астойдил ишонамиз. Халқимизда "Устоз отангдек улуғ", деган нақл бор. Ким қайси жабҳада меҳнат қилмасин, қайси соҳа, лавозимда бўлмасин, албатта устоз тарбиясини олади. Устознинг нақадар маданиятли ва билимдон эканлиги шогирд тарбиясида билинади. Ўқувчиларнинг давоматларини қатъий назоратга олиш, бу борада ота-оналарнинг масъулиятини ошириш ва уларга талабни кучайтириш – "Мактаб, оила, маҳалла" ҳамкорлигини таъминлаш, бу борада маҳалланинг ҳам масъулиятини ошириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, соҳа ходимларининг масъулияти, касбий маҳорати, иш сифати даражаларини оширган ҳолда, бу масалага жиддий эътибор беришингизни сўраймиз. Ўрта махсус ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларидан бунга эътиборни кучайтириш, кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият беришингизни таъкидлаймиз. Сиз тайёрлаган кадрлар Ватанимиз келажаги учун хизмат қилишини асло унутманг!

### Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаоллари!

Бугунги кунда аксарият маҳалла фуқаролар йиғинларида раис, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари зиммаларидаги вазифаларини масъулият билан бажаришмоқда. Лекин зиммаларидаги долзарб вазифаларни амалга оширишда ҳамон эски қолипда, расмиятчилик билан иш олиб бораётган, хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қараётган ходимлар ҳам йўқ эмас. Кўпчилик маҳаллаларда посбон сардорлари талабга жавоб бермайди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз маҳаллалари бўйича фуқаролар ҳақидаги барча маълумотларга эга бўлишлари, айрим нохуш ҳолатлардаги оилаларни алоҳида назоратга олишлари шарт. МФЙ раисларининг фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, маҳаллада истиқомат қилувчи катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуронийларни жалб этиб, олиб борилаётган ишларда фаол иштирок этишларини таъминласинлар. Бу борада "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш керак.

### Муҳтарама онахонлар ва опа-сингиллар!

Биз Яратганнинг буюк неъмати, сиздек нозик хилқатини юксак қадрлаймиз. Зеро, "Жаннат оналар оёғи остидадир", деб бежиз айтилмаган.

Оиланинг тотув, мустаҳкам бўлиши, фарзанд тарбияси, қизларни турмушга тайёрлаш, одоб-ахлоқ масалаларида онанинг ўрни алоҳида. Бундан ташқари, турмуш ўртоғининг ҳурматини жойига қўйган, рўзғорнинг кам-кўстига қаноат қилган, қариндош-уруғчилик ришталарини мустаҳкамлаган, қуда-андалар ўртасида ўзаро ҳурматни таъминлаган оналаримизнинг бугунги кунда роҳат-фароғатда, эл ҳурматига сазовор бўлаётганларига гувоҳмиз.

Бироқ кейинги вақтларда қайнона-келин ўртасида можаролар, умид билан бир ёстиққа бош қўйган ёш келин-куёвларнинг қўйди-чиқдилари билан боғлиқ муаммоларнинг кўпайгани ташвишланарли ҳол. Афсуски, айрим опа-сингилларимиз орасида ўзбекона шарм-ҳаё, иффат, андиша кўтарилгандек, уларнинг кўча-кўйларда бачкана кийиниб, ўзларини номуносиб тутишлари кўпчиликнинг ғашини келтирмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг туб моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, оилани мустаҳкамлашда Сиз, азиз аёлларнинг ҳиссангиз беқиёсдир!

### Азиз фарзандларимиз!

Сиздан умидимиз катта! Чунки сиз Ўзбекистонимизнинг ёрқин келажаги, ворисларисиз. Сизнинг соғлом, баркамол, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб улғайишингиз учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

Афсуски, баъзи ёшларимиз бу шароитларга ношукурлик қилиб, турли зарарли гуруҳ, оқимларга кўр-кўрона эргашиб, яқинлари, ота-онаси, қолаверса, Ватанимиз шаънига доғ туширишмоқда. Айримлари эса, тўқликка шўхлик қилиб, гиёҳвандлик ва ОИТС балосига гирифтор бўлишмоқда.

Сизларга оталарча насиҳатимиз: шу азиз Ватаннинг қадрига етинг, ота-онангиз, устозларингизнинг ҳурматларини жойига қўйинг, уларнинг дуоларини олинг. Инсонга бир марта бериладиган умрнинг қадрига етинг, илм-ҳунар, тил ўрганинг, китобни ошно тутинг, соғлом турмуш тарзига амал қилинг, ўзингизни она Ватанингизнинг мард, баҳодир посбонлари бўлишга тайёрланг! Вақт ғанимат, эртага сиз ҳам ота-она бўлиб, фарзанд тарбияси билан шуғулланасиз. "Қайтар дунё" дейдилар. Нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ўз қўлингизда. Ёмон хулқдан қайтинг, ёмон дўст билан алоқаларингизни узинг, ёмонларга эргашманг, тўғри йўлдан адашманг.

Келажагингиз порлоқ, ҳаётингиз чароғон бўлишига тилакдошмиз.

### Маҳалла профилактика нозирлари!

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида участка профилактика нозирларининг ўзаро ҳамкорликларини таъминлаш, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш, уй-жой билан таъминлаш борасида улкан вазифалар белгилангани барчага маълум. Шу эзгу мақсад йўлида сизларга янги уйлар, енгил машиналар калитлари топширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда тантанали қасамёд қилдингиз. Эндиликда шу қасамёдга содиқ қолиб, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик учун жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қизғин фаолият олиб боришингиз лозим. Бу сизнинг асосий хизмат вазифангиздир. Халқ орасида обрўйингизни сақланг, кексаларнинг насиҳатларига қулоқ тутинг, касбингизга хиёнат қилманг! Мамлакатимиз муҳофазасини таъминлаб, юртимизда тинчлик, тотувликни назорат қилиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳормай-толмай ишлаган, нафақага чиқиб кексалик гаштини сураётган устозларингиз каби ҳалол меҳнат нашидасини суриш Сизларга ҳам насиб этсин.

### Ёши улуғ кексаларимиз!

Халқимизда "Қариси бор уйнинг париси бор" деб бежиз айтилмаган. Оилаларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб, кексаси бор оилаларда тартиб-интизом, одоб, ўзаро ҳурмат сақланиб келаётганининг гувоҳимиз. Бизнинг ҳаётимиз шу азиз Ватан келажаги ва унинг тараққиёти учун ҳалол меҳнат билан ўтди. Эндиликда кексалик гаштини сурмоқдамиз.

Аммо маҳаллаларда қўни-қўшнилар билан бўлаётган айрим нохуш ҳолатларга бефарқ бўлмаслигимиз шарт. Жанжалкаш оилаларга эътибор қаратиш, тарбияси оғир фарзандларга насиҳат қилиб, уларни тартибга чақиришимиз керак. Ичкиликбозлик ва кашандаликка ружу қўйган ёшларни бу йўлдан қайтариш учун барча чораларни кўришимиз лозим. Салбий оқимлар таъсирига тушиб қолган оилаларни бу йўлдан қайтариш учун "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи, ички ишлар идоралари ўзаро ҳамкорликда барча чораларни кўришлари даркор.

Оилаларда қайнона-келин муносабатларини тартибга солиш, муросаи мадорага келишни истамайдиган қайноналарга нисбатан чора кўриш, қайноталарнинг ҳам масъулияти ва жавобгарликларини тушунтиришимиз керак.

Ёшлар ўртасида ажримларнинг олдини олиш, оилани мустаҳкамлаш, муаммоларни ўрганиш ва ечимини топиш чораларини кўриш учун ҳамкор ташкилотларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Оила аҳил ва ҳамжиҳат бўлса, мамлакат ҳам албатта мустаҳкам бўлади.

### Биз, фахрийлар бу эзгу ишларнинг барчасига масъулмиз!

Биз, пойтахтимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарларидан, таълим муассасалари раҳбарлари билан маҳалла фуқаролар йиғинларидан бизнинг мулоҳазаларимизни меҳнат жамоаларингизда ва маҳаллаларда ўз жамоангиз, маҳалла фаоллари ва аҳоли иштирокида муҳокама қилиб, тегишли хулосалар қиласиз ва бизга фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз, деб умид қиламиз.

**"Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими фаоллари**

# САЙЁҲЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

***Мамлакатимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.***

Бу Ўзбекистоннинг туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланишини кўрсатади. Шу боис ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – бу туризм эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, туризм мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайёҳлик соҳасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

"Хавфсиз туризм" лойиҳаси шулардан бири бўлиб, юртимизга келган сайёҳлар ва меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар учун замонавий шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги "Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси тасдиқланди.

Қарорга кўра хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия тузилди. Мазкур комиссия томонидан концепциянинг асосий йўналишларини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича "йўл хариталари" тасдиқланди.

2017-2020 йилларда Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида туризм хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари фаолияти такомиллаштирилди. Эндиликда Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ИИБда вазият марказлари фаолият кўрсатади. Улар хавфсиз туризм ҳолатини мониторинг қилиш, сайёҳларни реал вақт режимида потенциал хавфлардан хабардор этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдамлашиш билан шуғулланади.

Ҳозирги кунда Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ички ишлар бошқармаларида хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича бошқармалар ташкил этилди ва мазкур бошқармалар бошлиқлари тайинланди. Улар, ўз навбатида, вилоят ИИБ бошлиқларининг ўринбосари ҳисобланади. Янги ташкил этилган бошқармаларга хорижий тилларни мукаммал биладиган ходимлар ишга қабул қилинган.

Айтиб ўтиш керакки, мамлакатда бўлиб турган даврда сайёҳлар хавфсизлигини, транспортдан фойдаланиш ва кўчишларини таъминлаш бўйича туризм соҳасида хизматлар кўрсатувчи ва етиб келган сайёҳлар ҳисобини юритувчи давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш режалаштирилмоқда.

Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабздаги транспорт инфратузилмалари ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида плакатлар, белгилар ва кўрсаткичлар ўрнатилмоқда.

Мобиль илова сайёҳларни мамлакатимизда бўлиш қоидалари, виза ва рўйхатга олиш жараёнлари, диққатга сазовор манзиллар ва йўналишлар, шунингдек, яқин ички ишлар органи таянч пунктлари ва тиббиёт муассасалари тўғрисида хабардор қилиб туради. Мазкур мобиль иловада сайёҳ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мушкул вазиятга тушиб қолганлик тўғрисида хабар юбориши ёки ўз мамлакатининг консуллик идорасига мурожаат ёзиши мумкин.

Яшаш жойи хавфсизлигини таъминлаш, меҳмонхонага жойлашиш ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасида ҳар бир меҳмонхонада етиб келган сайёҳларнинг маълумотлар базасини шакллантиришга имкон берувчи "Э-меҳмон" электрон ахборот тизими жорий этилмоқда. Меҳмонхоналарга кириш жойи куну тун видеокузатув остида бўлади.

Бундан ташқари, "Хавфсиз туризм" ягона аппарат-дастурий мажмуаси жорий этилади. Бу видеокузатув, маълумотларни таҳлил қилиш ва автомат равишда қайта ишлаш, ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш тизими ҳисобланади.

Туристик диққатга сазовор масканларга ташриф буюрган сайёҳлар ва расмий хорижий делегациялар хавфсизлигини таъминлаш ва кечки кўнгилочар дастурларни ташкил этиш соҳасида сайёҳларни индивидуал ҳимоя қилиш бўйича махсус техник воситаларга бўлган талабларни ишлаб чиқиш ва ўрнатиш ҳам белгиланган.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи – ички ишлар вазирининг матбуот котиби**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

***Президентимиз томонидан мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бериб, халқимиз турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришларда акс этмоқда.***



Ижтимоий ҳимояталаб оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам фаол иштирок этаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳволи ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра уй-жойга, маиший техника жиҳозларига эҳтиёжи бор, яшаш жойларини таъмирлаш, тиббий хизмат борасида амалий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланиб, аҳолининг кам таъминланган тоифаларига беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилди.

Ушбу манзилли дастурларга мувофиқ касаба уюшмалари томонидан кам таъминланган, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳамда маиший шароитларини яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бугунгача республика бўйича 22 минг 200 хонадонга кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари, кам таъминланган оилаларда истиқомат қилувчи 1200 нафар беморга соғлигини тиклаши учун 4 млн. сўмдан, 2200 оилага уй-жойларини таъмирлаш учун 10 млн. сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. 400 оиланинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар доирасида касаба уюшмалари вакиллари эҳтиёжманд оилалар хонадонларига бориб, зарур амалий ёрдамларни кўрсатмоқдалар.

Навбатдаги хайрли тадбирлардан бири Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан пойтахтимизнинг Миробод туманида ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кам таъминланган аҳолига кўрсатилаётган ёрдам тизимли амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Тадбир давомида Миробод туманида истиқомат қилаётган 111 нафар эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар вакилларига Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари, хусусан, кир ювиш машиналари, газ плиталари, чангютгич ва кичик печлар берилди.

– Президентимиз томонидан биз каби оддий одамларга жуда катта эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Бунинг натижасида хонадонларимизга файзу барака кирди, кўнгилларимиз нурга тўлди, – дейди 2-гуруҳ ногирони Юсуф Абидов. – Касаба уюшма вакиллари хонадонимизга келиб, ижтимоий аҳволимизни ўргандилар ва мана бугун бизнинг оилага замонавий газ плитасини ҳадя этдилар. Анчадан бери бу маиший техникага эҳтиёжимиз бор эди, бунинг учун ўз миннатдорлигимни билдираман. Соғ бўлишсин, илоҳим.

Қайд этиш лозимки, Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бугунги кунда Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 110 нафар эҳтиёжманд фуқаронинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. 1221 нафар кам таъминланган оилага эса маиший техника жиҳозлари совға қилинди. Бундан ташқари 70 нафарга яқин беморнинг соғлигини тиклаш учун амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга жарроҳлик операциялари учун зарур маблағлар тегишли муассасаларга ўтказиб берилмоқда. Шунингдек, 22 нафар уй-жойга муҳтож фуқарони турар жой билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

**Зокиржон ШАРИФЖОНОВ**





***Соғлом жамият, соғлом оила, баркамол авлод аслида аёл меҳнати, меҳридан яралади. Дарҳақиқат, аёл зоти ҳар бир ишга қалб зиёсини қўшиб бажаради. Шу фазилати билан у эзгуликка, яхшиликка доядир. Юртимиз хотин-қизлари бугун касаба уюшмасига аъзо бўлиб, меҳнат жамоаларининг ҳаётига фаол аралашар экан, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришга ҳам катта ҳисса қўшаётирлар. Бу эса уларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш баробарида мамлакат ҳаётидаги роли ошишига ҳам имкон яратаяпти.***

# АЁЛГА ЭҲТИРОМ – ЖАМИЯТГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгашининг Ўқув марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгашининг "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда Кўмаклашиш дастури" бажарилишида хотин-қизлар кенгашлари ҳамда комиссияларнинг ўрни" мавзуидаги семинарда бу борада амалга оширилаётган ишлар эътироф этилди. Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши аъзолари, Республика кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари Хотин-қизлар комиссиялари раислари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари кафолатланганлиги, бу борада тизимли ишлар олиб борилаётганини алоҳида эътироф этди. Президентимиз томонидан аҳолининг фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, юртимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, айниқса, бу борада 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши муҳим омил бўлаётгани ҳамда касаба уюшмаларининг Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда Кўмаклашиш дастури юзасидан олиб борилаётган хайрли тадбирлар қайд этилди.

Федерациянинг Хотин-қизлар кенгаши раиси ўринбосари Эътиборхон Раҳмонова маърузасида Стратегиянинг ҳар бир йўналишини таҳлил қилиш жараёнида кенгаш фаоллари олдида турган аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда фаолият олиб борилаётгани, Кўмаклашиш дастурининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, айниқса, соғлом турмуш тарзи, оила фаровонлиги, аёллар манфаатлари, коллежларни битирган қизларни касбга йўналтириш борасидаги кенг кўламли йўналишлар хотин-қизлар ҳаётига мазмун бағишлаётганлигига эътибор қаратди ва фаолиятни янада яхшилаш юзасидан таклифлар берилди.

Семинарда таъкидланганидек, Ўзбекистонда фуқаролар, шу жумладан, хотин-қизларнинг дам олишга бўлган ҳуқуқи иш вақти давомийлигининг маълум чегараси ўрнатилганлиги, ҳафталик дам олиш кунлари ва йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар берилиши орқали таъминланади. Фуқароларнинг хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари мазкур соҳада мақсадли йўналтирилган Давлат миллий сиёсатини юритиш орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг касбий тайёргарлиги, касбга қайта ўқитиш ва малака оширишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Тадбирда Федерация томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида йўлга қўйилган тизимли чора-тадбирлар ҳам қайд этилди.

Шу куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар, киритилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда фаолиятни яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Ҳудудий комиссиялар фаолияти танқидий таҳлил этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Хотин-қизлар кенгаши, ҳудудий бирлашмалар ва Республика кенгашларининг Хотин-қизлар комиссиялари томонидан 2 523 та жамоа шартнома ва келишувлари (шундан 30 таси Федерациянинг Хотин-қизлар кенгаши томонидан) экспертизадан ўтказилди. 246 та нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун иш жойларида санитария-гигиена ҳолатларининг таъминланганлиги, жамоа шартномалари орқали уларга белгиланган имтиёзларнинг бажарилиш аҳволи ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасига таклиф ва тақдимотлар берилди ҳамда ижроси назоратга олинди.

Бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан бири норасмий бандликда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясидир. Йиғилишда норасмий бандликни чеклаш юзасидан савдо-овқатланиш, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш жойларида ва устахоналарда меҳнат шартномасини тузмасдан ишлаётган фуқаролар, хусусан, аёллар билан амалий иш олиб бориш кераклиги, уларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш, яъни уларга меҳнат дафтарчалари очишга эришиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Хотин-қизлар комиссиялари олдида турган вазифалардан яна бири – хорижий давлатлар инвестициялари иштирокида ташкил этилаётган корхоналарда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши масаласидир. Чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотини тузиш ва жамоа шартномаларини қабул қилиш орқалигина уларда ишлаётган хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини назорат қилиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга эришилади, холос.

Шунингдек, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, соғлом болани тарбиялашда аёллар масъулиятини, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини ошириш имкониятларини кенгайтириш ишларида фаол иштирок этиш, амалдаги қонунларда аёллар учун белгиланган имтиёзлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда кенгаш ва комиссиялар фаолиятини янада яхшилаш юзасидан таклифлар берилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати**

# САЛОМАТЛИК – ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИ ГАРОВИ

***"Тараққиёт стратегияси" марказида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш – оилалар мустаҳкамлиги ва жамият саломатлиги гарови" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Тараққиёт стратегияси" маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ва "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия экспертлари, фаоллари, ҳамкор ташкилотлар масъул ходимлари қатнашди.

"Адолат" СДП сиёсий кенгаши раиси Н.Умаров, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази раҳбари М.Каттахўжаева ва бошқалар тиббиёт соҳаси тубдан ислоҳ этилиб, жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари оптималлаштирилгани, аҳолига бирламчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва патронаж хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлади.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ва 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни ўрганиш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жойларда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликлар профилактикаси, патронаж ва скрининг хизматларини замонавий даражага кўтариш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган вазифалар ижроси устидан жамоатчилик назорати ўрнатишга эришилди.

Шунга қарамай, Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида жойларда кўплаб муаммолар ҳамон сақланиб қолаётгани таъкидланди. Ана шуларни ҳисобга олиб, ҳудудлар аҳолиси учун қулай бўлган, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришга доир инновацион ёндашувлар илгари сурилди. Қонунчилик палатаси ўз иш фаолиятида асосий эътиборни тизимдаги муҳим муаммоларни жойларда ҳал этишга қаратиши мақсадга мувофиқ эканлиги белгиланди.

"Одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолининг репродуктив саломатлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, аҳоли орасида муҳокама қилиш ҳамда қабул қилинишига эришиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давра суҳбатида юртимизда инновацион ёрдамчи репродуктив технологияларни жорий этиш ва мазкур қонун лойиҳалари юзасидан фикр алмашилди. Хотин-қизлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, соҳада ишга солинмаётган имкониятлардан фойдаланиш ҳамда жойлардаги мавжуд масалаларни ҳал этишда ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОЛАМИГА САЁҲАТ

***Тошкент Фотосуратлар уйида "Premium Study" нодавлат таълим маркази тарбияланувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди.***

"Premium Study" маркази мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини рағбатлантириш йўлидаги самарали ишларга ҳисса қўшган ҳолда мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга таълим бериб келмоқда. Бу ерда мактабга тайёрлов, инглиз тили, ментал арифметикаси, шахмат, рассомчилик, кулолчилик ва бошқа кўплаб йўналишлар бўйича ўқув курслари иш олиб боради.

Кўргазмада болажонларнинг рангтасвир, кулолчилик ва квиллинг йўналишларидаги ишлари ўрин олган. Кичкинтойлар томонидан болаларча софлик, беғуборлик билан яратилган ишларда табиат, жониворлар, гуллар, оила ва дўстлик мавзулари акс эттирилган.

– Марказимиз томонидан ўқувчиларимизни рағбатлантириш ва эришган ютуқларини кенг оммага кўрсатиш мақсадида бир йилда икки марта кўргазма ташкил этамиз, – дейди "Premium Study" нодавлат таълим маркази директори Дилафрўз Содиқова. – Мазкур кўргазмада ҳам болажонларимизнинг янги йил байрами муносабати билан тайёрлаган 70 дан ортиқ иши ўрин олган. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интилишларини рағбатлантириб туриш уларнинг янада эркин ва профессионал даражада ижод қилишларига имкон беради.

Кўргазма доирасида 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида шахмат турнири ўтказилди.

Кўргазма иштирокчилари диплом билан тақдирланди.

**Г.БОБОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***Халқимизда текканга тегиб тегмаганга кесак отадиган болаларни тарбиясиз болалар қаторига қўшишади. Ундайларни мактабда ўқишининг тайини йўқ, дарслари ўлда-жўлда, хулқи ҳам яхши бўлмайди.***

# ТЕГМАГАНГА КЕСАК ОТМА...

1995 йилда туғилган Мурoджон Муҳсимов ҳақида ҳам шундай фикр юритиш мумкин. Йўқса, у 2017 йил апрель ойида шомдан кейин спиртли ичимлик ичиб, Олмазор тумани Абдулла Қодирий боғига кириш дарвозаси олдида Батирбай Дарябаевга зўрлик ишлатиб, қўлидаги отвертка билан енгил тан жароҳати етказиб, қўрқитиб, нархи 2 млн. сўмлик "IPHONE 5S" русумли телефонини тортиб олмаган бўларди.

Аввало юридик жиҳатдан бировнинг мулкига кўз олайтириш, яна зўрлик ишлатиш босқинчилик жиноятини содир этиш, дея баҳоланади.

Мурoджон телефонни қўлга киритиб, ТИФ Миллий банк орқали Себзор томон қочди. Аммо орадан ярим соат ўтар ўтмас ИИБ ходимлари қўлига тушди. Далилий ашё сифатида уяли телефон ва отвертка баённомага расмийлаштирилди.

2017 йил октябрь ойида Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судида судья М. Юсупов раислигида суд бўлиб ўтди. Суд мажлисида М.Муҳсимов ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди. Қизарди, бўзарди, айбига пушаймонлигини билдирди. Ота-онасининг юзи шувут бўлди.

М. Муҳсимов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми "а", "б" бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилиб, тегишли жазосини олди.

Ўйлаб қоласан, 22 ёшли йигит қилмишининг оқибатини ўйламасдан қора курсига ўтирса, гулдек умрининг 7 йилини панжара ортида ўтказса... Ота-онанинг бошини хам қилса... Шу ўринда ота-оналарга айтмоқчи бўлганимиз болангизнинг тарбиясига гўдаклигидан эътиборли бўлинг. Бировнинг мулкига кўз олайтириш жиноят эканлигини тушунтиринг, келажакда меҳнат қилиб ҳалол луқма топишнинг қадрига етадиган қилиб тарбияланг. Акс ҳолда доғда қоласиз...

**Акмал УСМОНОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори**

"101"

# ИСИТИШ МОСЛАМАЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

***Ёнғинларнинг олдини олиш кўп нарсани талаб қилмайди. Бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик ёнғинларга сабаб бўлмоқда. Фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар.***

Газ ҳидини сезганда гугурт чақиш мумкин эмаслиги, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида, қонунга зид равишда улаб, хонадонни талафотларга олиб келаётган инсонлар ҳам топилади. Бу эса моддий зарар кўриш билан бирга жиддий тан жароҳат олишларига сабаб бўлмоқда. Ҳозирда электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳамда улардан хоналарни иситиш мақсадида газ плиталарини ёқиб қўйиш, назоратсиз қолдириш, тутун йўлларининг нососзлиги, дудбуронларни тозаламаслик оқибатида келиб чиқаётган ёнғинларнинг сони сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Зеро, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ёнғинларнинг содир бўлиши, мулк талафоти, инсонларнинг жароҳатланишининг олдини олишга нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар биримиз бирдек масъулмиз.

**О. РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**"Маърифат маркази" ЁХБ инспектори, капитан**

* * *

***Кундалик ҳаётимизни "зангори оловсиз" тасаввур этиш қийин. У энг қулай ёнилғи сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ана шу ёнилғидан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнғин оила, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.***

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади. Учқун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас.

**К.НОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенат биносини муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси инспектори, капитан**


## Реклама ва эълонлар

Шайхонтоҳур тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 10.04.2017 йилда № 505326 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтган, "RIZOSTON PROGRESS" оилавий корхонаси (ИНН304814502) таъсисчиларнинг 10.01.2018 йилдаги №2 Баённомасига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99897 731-88-77.


**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, (ёмғир ёғиб, қорга айланиши эҳтимоли бор). Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва кундузи – 0-2 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 135
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10368 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.25
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5